Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 10-fevral, seshanba, № 20 (3525)

Алишер Навоий бобомизни авлиё десак, у зот — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ

▽ Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига

Халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга хурмат билан муносабатда бўлишда Алишер Навоий маънавий меросининг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда асарларидан кенг фойдаланиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

АДОЛАТ ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Анъанага кўра, 9 феврал куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим О.Давлатов, ёш шоир Ш.Салом ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ва хорижий давлатларда улуғ бобокалонимиз ҳайкаллари қад ростлади. Шоир ижоди тўла қамраб олинган йигирма жилдли тўплам нашр этилди. Навоийнинг ижодий хазинаси битмас-туганмас уммон янглиғ бугунги кунда ҳам юртимиз ва жаҳон олимлари, тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, туркум илмий асарлар, монографиялар, рисолалар нашр этилмоқда.

Шоир ўз асарларида тараннум этган инсонпарварлик, адолат, юрт равнақи, халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-мурувват, ота-онага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муҳтожларга мурувватли бўлиш, ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсон этиб вояга етказиш каби ҳаётбахш ғоялар Ватанимизнинг бугунги тараққиёт одимларида, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Тадбирда Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Улуғ мутафаккир маънавий мероси, ижоди, фаолияти ҳақида жаҳон адабиёти намояндаларининг қимматли фикрларидан парчалар Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида ижро этилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи М.Тожибоев ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

***

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, талабалар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, навоийшунос олим Ҳ.Болтабоев, шоира Ф.Афрўз ва бошқалар шоирнинг ўлмас мероси ёшларни Ватанга садоқат, фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этишини таъкидлади.

Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

▽ Ким эдигу ким бўлдик?

Ортга — ўтган йилларга назар ташласангиз, беихтиёр кўз олдингизда синовли дамлар, машаққатлар эвазига эришилган юксак марралар гавдаланади. Бу эса, ўз-ўзидан, атрофлича таҳлилга, маълум даражада хулосалар чиқаришга асос бўлади. Ҳа, тарихан қисқа даврда юртимизда кўпгина ишлар амалга оширилди. Муваффақиятларни мустаҳкамлаган ҳолда янги-янги имкониятлар сари олға интилаётган халқимизнинг кайфияти кўтаринки, мақсади улуғ.

ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ ВА ТЕЗКОР

ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққиёти хусусида

Жўнгина қилиб айтганда, кечагина тушимизга ҳам кирмаган шароитлар одатий ҳолга айланди. Бунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни алоҳида. Эътиборли жиҳати, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омиллардан саналган хизмат кўрсатиш, дунё тажрибасидан аён бўлаяптики, ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутаётир.

Жорий йил 4 февралида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони соҳани янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур Фармон давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, “электрон ҳукумат” тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмаси ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш каби катта мақсадларга қаратилган. Бевосита Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланган мазкур вазирлик зиммасига қатор вазифалар юклатилмоқдаки, бу соҳанинг янада такомиллашувида муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Жумладан, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, “электрон ҳукумат”ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорни ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳада илмий тадқиқот ва ишланмаларни, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш каби вазифалар ҳам қўйилган.

* * *

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиб бораяпти. Юзлаб, минглаб километр олисда туриб видеомулоқотга киришиш, интернет деган улкан ахборотлар майдонидан истаганча фойдаланиш мумкин. Аввалари эфирга узатиладиган каналлар саноқли бўлган бўлса, эндиликда кўплаб ихтисослашган, замонавий форматдаги телеканалларни дидингизга қараб, танлаб кўриш имконига эгасиз. Яна бир муҳим томони, эндиликда уйингизда туриб, маиший коммунал тўловларни лаҳзада тўлаш имконияти яратилаяпти. Ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютасиз.

●●○●▶ 3

▽ Сайлов — 2015

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари — съезд ёки қурултойи томонидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёнини якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

ЎзА

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пункти одатдагидан гавжум. Бу ерда муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг дастлабки гуруҳини қатор ташкилотлар вакиллари ва ота-оналар иштирокида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ.Ғойиров ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш бугунги кунда ёшларимиз учун шоншараф ишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Яқинлари билан хайрлашаётган жондорлик Шаҳризодни суҳбатга тортдик.

— Аскар бўлишни болаликдан орзу қилардим, — дейди Шаҳризод Қаҳрамонов. — Ниятимга етганимдан хурсандман. Хизматда билдирилган ишончни оқлашга, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламан.

Кузатув маросимида қуйқўшиқлар янгради. Ҳарбий хизматга йўл олган бўлажак аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

▽ Тадбиркор — элга мададкор

ОИЛА ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши боис нодавлат сектори тобора иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши туфайли хусусий бизнес вакиллари сони янада ортди. Айнан мазкур қонун имтиёзлари кўплаб оилаларга фаровонлик олиб кирди. Сирдарё вилоятининг чекка тумани ҳисобланган Сардоба туманида истиқомат қилаётган Эсоновлар оиласи бунга бир мисол.

— Бу қонун, айниқса, ёш тадбиркорларга қўл келаётир, — дейди Гулчеҳра Эсонова. — Оилавий корхонанинг қулай жиҳати шундаки, оила аъзолари бандлигини таъминлаш баробарида оилавий фаровонликни юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Гулчеҳранинг онаси Рисгул опа тикувчилик билан шуғулланади. Аёллар ва эркаклар либоси-ю, кўрпа-тўшак, ёстиқ-жилдлари тикишнинг ҳадисини олган. Ҳатто қўшни қишлоқлардаги хонадонларнинг ҳам Рисгул опага иши тушиб туради. У тўй қиладиганларга келиннинг сеп-сидирғасидан тортиб, тўй боланинг либосларигача кўз кўрса қувнайдиган қилиб тикиб беради. Ўғиллари Шуҳрат ва Шавкат ҳам аввалига 50 ўринли ошхона очишди. Молиявий имкониятлари ошгач, савдо дўкони сўнгра, 100 ўринга мўлжалланган янги ошхона қуриб, ишга туширишди. Оила аъзолари ҳамда ҳамқишлоқлардан иборат 20 кишилик жамоага бугун ҳамманинг ҳаваси келади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек оиладаги уч нафар қиз — Гулчеҳра, Малика, Лола ҳам бинойидек чевар бўлишди. 2011 йилда Жиззах педагогика коллежини тамомлаган Гулчеҳра ўз омадини синаб кўриш мақсадида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этди. Шунчаки ҳаваскор сифатида қатнашган қизнинг омади чопди. Танловга тақдим этган замонавий либослари вилоят ва республика босқичларида ҳакамлар ҳайъати эътиборига тушди ва Гулчеҳра нуфузли танловнинг мутлақ ғолиби бўлди.

— Бундай бўлишини сира кутмагандим. Махсус диплом ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритиб, бошим осмонга етди, — дейди Гулчеҳра. — Бу рағбат касбга бўлган меҳримни янада оширди.

Эътиборлиси, хонадон келинлари — Комила ва Гулчиройлар ҳам қайнона тарбиясини олиб, қўлигул чеварга айланишди.

Айни пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимида «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» координатори вазифаси ҳамда тўқувчилик тўгараги раҳбари бўлиб ишлаётган Гулчеҳра қишлоқда замонавий тикувчилик цехини очиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш ва энг муҳими, ўндан зиёд янги иш ўрни яратишни ният қилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
“Ishonch” мухбири

2015-yil 10-fevral, seshanba, № 20 (3525), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қишлоқ хўжалиги

АГРОФИРМАЛАР ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳамда агрофирмалар ташкил этиш бўйича амалий семинар ўтказилди. Вилоятдаги бошқарма ва идоралар раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, хизмат кўрсатиш ва таъминотчи корхоналар вакиллари, жойларда ташкил этилган агрофирмалар бошлиқлари дастлаб тумандаги, «Кумушкент» маҳалласида ташкил этилган "Оқдарё агро ҳосил" агрофирмаси фаолияти билан танишди.

Бу ерда аҳолига полиз, сабзавот экинлари уруғи, дарахт кўчатлари, чорва ва парранда етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиш бўйича яратилган тизим ҳақида маълумот берилди. Маҳалладаги хонадонларда томорқадан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, бу борада уларга яқиндан кўмак бериш ва замонавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати томонидан илгари сурилган мазкур ташаббуснинг аҳамияти, уни амалга ошириш механизмлари ҳақида сўз юритилди. Ушбу йўналишда вилоятда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Вилоятдаги олий ўқув юртлари олимлари, банклар ва бошқа идоралар раҳбарлари томорқадан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг афзалликлари, агрофирмалар иш механизми ҳамда уларни молиялаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорва, парранда олиш бўйича агрофирма ва микроагрофирмалар ўртасида шартнома тузиш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берди.

Тадбир доирасида вилоятдаги чорвачилик ва паррандачилик корхоналари, кўчат ва уруғлик етиштирувчи хўжаликлар, илмий-тадқиқот институтлари ўз маҳсулотлари кўргазмаси ва хизматлари тақдимотини ўтказди. Агрофирмаларга маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича шу ернинг ўзида шартномалар имзоланди.

— Яқинда ташкил этилган агрофирмамиз ўндан зиёд маҳалладаги 4 минг етти юзга яқин хонадонга хизмат кўрсатиши кўзда тутилган, — дейди Ургут туманидаги "Бешкон нурли мевали боғлари" агрофирмаси раҳбари Ибодулла Баширов. — Ҳозирга қадар ушбу хонадонлардаги томорқаларнинг ҳолати, чорвачилик ва паррандачилик бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилиб, аҳолининг сабзавот ва полиз экинлари уруғи, дарахт кўчатлари, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи аниқланди. Шунга кўра, ушбу маҳсулотларни таъминотчи корхоналардан "Микрокредитбанк" ажратган имтиёзли кредит ҳисобига олиб, аҳолига тарқатамиз. Бугунги семинарда ҳам айрим ташкилотлар билан келишувларга эришдик. Жумладан, мевали дарахт кўчатлари олиш бўйича академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд филиали билан шартнома имзоладик.

Семинар доирасида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки вилоят филиали томонидан ташкил этилган автодўконлар ҳам намойиш этилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *семинар доирасида ташкил этилган кўргазмада.*

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ
олган сурат

Ўқув-семинар

Аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор, мазкур йўналишда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ер ўз эгасини топиб, деҳқоннинг қадр-қиммати ошди. Республикамизда 73.500 та фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан аъзоликка жалб этиш, қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ибратли ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОР – МУҲИМ ВАЗИФА

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси ҳамкорлигида Чиноз ҳамда Қуйи Чирчиқ туманларида ўтказилган «Фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга оид муносабатлар» мавзусидаги ўқув-семинар ҳам фермерларнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилиши аниқ.

Йиғилишда фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Тадбирни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхтамурод Бозоров қисқача кириш сўзи билан очиб, республикамиз фермерлари олдида турган вазифалар ва уларни ҳал этишда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ҳақида сўз юритди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари Улуғбек Ҳамзаев, Наргиза Асадова, Ботир Тошпўлатов ва Руслан Раҳмонов ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга оширишда фермерлар олдида турган вазифалар, фермер хўжаликларида ишловчи касаба уюшма аъзоларини ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, аъзоларни ҳар томонлама ҳимоялашда жамоа шартномаларининг роли мавзуларида зарур тушунчалар беришди.

Шундан сўнг саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Рўзимуҳаммад Замонов, Чиноз туманидаги «Латипов Абдутолип» фермер хўжалиги раҳбари:

— 104 гектар майдонимиз бор. Аъзоларимиз сони 32 нафар. Асосан пахта ҳамда ғалла етиштирамиз. Хўжалигимиз ташкил этилганига 10 йилдан ошди. Тажрибадан кўрдикки, бошқарувчи молиявий, ҳуқуқий билимларни, шунингдек, иш юритишни мукаммал эгаллаган бўлиши шарт. Бугунги ўқув ҳам айнан мана шунга хизмат қилади, албатта. Илтимосим, бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса.

Камолхон Аҳмедов, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Нодирмат агрофайз Барака» фермер хўжалиги раҳбари:

— Ўтган йили 98.6 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 16 нафар аъзоларимиз билан пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирдик. Йилни 26 миллион сўм фойда билан якунладик. Ўзим иқтисодчиман. Лекин замонавий фермер доим ўқиб-ўрганиши ва билимини такомиллаштириб бориши зарурлигини яхши тушунаман. Бугунги ўқув ҳам айни муддао бўлди. Айниқса, фермер хўжалигида иш юритиш ва аъзоларнинг меҳнатларини муҳофазалаш мавзусидаги чиқишлар менда катта таассурот қолдирди. Бугунги ўқувдан олган хулосаларимдан келиб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, инсон саломатлигини ҳеч нима билан баҳолаб бўлмайди. Фермер хўжалиги раҳбарининг лоқайдлиги бир инсоннинг умрига зомин бўлиши ёки уни ногирон қилиб қўйиши мумкин. Шу боисдан ҳам ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш учун барча имкониятни сафарбар этамиз.

Тўйчибой Пардаев, «Мамай агрофайз» фермер хўжалиги раҳбари:

— Узоқ йиллардан бери фермерлик қиламан. Ўзим инженер-технологман. Бугунги ўқувдан кейин ҳали кўп ўқиб-ўрганишим кераклигини тушуниб етдим. Касаба уюшмаларида кечаётган ислоҳотлар менда катта таассурот қолдирди.

Зокир Рустамов, «Эминжон Марғилоний» фермер хўжалиги раҳбари:

— Хўжалигимиз 2004 йили ташкил этилганди. 17 нафар ишчилар билан 74,2 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпмиз. Аъзоларнинг барчасига меҳнат дафтарчалари очилган. Ишончим комилки, ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари қўл остидагиларга — улар мавсумий бўладими ёки доимий ишловчими, уларнинг тақдирига бефарқ қарамаса, фақат ютади, иши ўнгидан келаверади.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар йили

Ўзбекистон ФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибидаги Олий аттестация комиссияси бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 2010-2015 йиллар мобайнидаги фаолиятига оид умумий ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш жараёнида бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада ошириш, бу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликда қулай ва бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилиши таъминланаётгани айни муддао бўлмоқда. Кези келганда, мунтазам ҳисобот бериб бориш тизимининг йўлга қўйилгани ижобий самара бераётганини ҳам таъкидлаш лозим. Бу саъй-ҳаракатлар бошланғич ташкилотни меҳнат кишисининг ҳақиқий ҳимоячиси ва таянчига айлантирди.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Касабақўм етакчиси Қ.Усмоновнинг маърузаси тингланиб, ўтган даврдаги фаолият кенг муҳокама қилинди. Хусусан, касаба уюшма аъзолари З.Исроилов, А.Хўжақулов, «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида бу фикр яна бир бор тасдиғини топди. Хусусан, ҳисобот даврида иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш, унда кўзда тутилган қўшимча имтиёзлардан фойдаланишни таъминлаш ва доимий назоратга олиш, ходимларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхонага янги ишга келган коллеж ва олий ўқув юрти битирувчиларининг иш жойида муқим ўрнашиб қолишига кўмаклашиш, қўмита аъзоларининг доимий диққат марказида бўлганлиги қайд этилди.

Конференцияда жамоа шартномасига аёллар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоялашга оид алоҳида бўлимлар киритилиб, улар учун қўшимча имтиёзлар белгиланган, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари бажарилишига оид бандлар киритилганлигига алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 1 млн. 76 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 3 млн. 146 минг сўмга етди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномасида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ҳисобига ҳар бир ходимга иш стажига қараб, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиб, ушбу мақсадга иш берувчи томонидан 150 млн. 248 минг сўм сарфланди. Эҳтиёжманд оила вакилларининг 62 нафарига 5 млн. 894 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 17 нафар ходимга 206 млн. 250 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. Ходимларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандлари учун 6 млн. 550 минг сўм контракт пуллари қопланди.

Конференцияда амалга оширилган ижобий ишлар эътироф этилиб, айрим камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди. Хусусан, корхонада меҳнат муҳофазасига эътиборни кучайтириш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишда касаба уюшмаси қўмитасининг иштирокини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кенгайтириш, айниқса, ходимлар учун зарур меҳнат шароитларини яратиш, ишга қабул қилинаётган ёшларни хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома билан батафсил таништиришнинг йўлга қўйилиши таъкидлаб ўтилди ва бу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Конференция делегатлари томонидан корхона касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли баҳоланиб, касаба уюшма қўмитасининг янги таркиби ва раиси сайланди.

Ғ.ИЛМУРАДОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

ОЛИМЛАР БАҲО БЕРИШДИ

К.Абдиев сўзга чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича амалга оширилган ишларга ўз баҳоларини беришди. Олий аттестация комиссияси раиси А.Юсупов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгилаб олинган устувор йўналишлар, тизимда жорий этилган янгиликлар, жамоа шартномаларига киритилган бандлар, қуйи ташкилотларга қаратилган амалий ёрдамлар самараси хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитаси раиси ва раис ўринбосари сайланди. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси Л.Турикова иштирок этди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
"Ishonch" мухбири

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АНИҚ

Гулистон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда касабақўм раиси Камола Ўринбоева 2010 йил апрелдан 2015 йил феврал ойигача бўлган давр оралиғидаги фаолият бўйича ҳисобот берди. Муҳокама жараёнида касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда касаба уюшма қўмитаси аъзолари ва раиси ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши конференциясига делегат сайланди.

Тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда.

А.МАМАРАСУЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК МАВЗУСИДА

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида малакасини ошираётган соғлиқни сақлаш тизими бошқаруви органлари ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этди.

«Соғлиқни сақлаш тизимида ходимларни ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда ижтимоий шериклик масалалари» мавзуидаги ўқувда меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича иш берувчиларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигини оширишга эътибор қаратилди.

Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапиевнинг соғлиқни сақлаш тизимида ходимларни ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда ижтимоий шериклик масалалари ҳамда 2013-2015 йиллар учун тузилган икки томонлама Тармоқ келишуви асосида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисидаги маърузаси тингланди. Иштирокчиларга касаба уюшмаси фаолиятида ижтимоий шериклик тамойилларининг афзалликлари кенгроқ тушунтирилиб, зарур кўрсатмалар берилди.

Ўқув давомида тингловчилар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчиларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари, Бош келишув, Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг ижросини таъминлашда иш берувчиларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги билимларга ҳам эга бўлишди. Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан яқиндан танишдилар.

ЯНГИЧА УСУЛДА МУЛОҚОТ

ЎзКУФК Ўқув марказида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўқув ташкил этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона-ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари учун ташкил этилган машғулотлар тажрибали мутахассислар томонидан янги педагогик услубда баҳс-мунозара, блиц-сўров ва тақдимотлар асосида олиб борилди.

Беш кунлик ўқувда тингловчилар ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси соҳасида касаба уюшмаларининг давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликдаги вазифалари, корхоналарда меъёр ҳамда қоидаларга амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини сифатли олиб бориш, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини намунали ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва бошқа хил зарарланишларни текшириш бўйича кўрсатмалар олдилар. Шунингдек, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, қонунчиликда белгиланган тўловларнинг амалга оширилишини назорат қилиш юзасидан керакли маълумотларга эга бўлишди.

Машғулотларнинг тақдимотлар асосида ташкил этилгани тингловчиларга кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш чораларини белгилаш ва амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишда бир-бири билан фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Бундан ташқари, иштирокчилар "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Тошкент радиотелеузатиш маркази меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати иш фаолияти билан таништирилди.

Тингловчилар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий академик драма театрида "Тонг отган тарафларда" номли спектаклни томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

Раъно МАҲКАМОВА,
"Ishonch" мухбири.
"Ishonch" фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ЖАРАЁН **Қашқадарё вилояти Қамаши туманининг Қизилтепа қишлоғида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Мазкур марказ 22 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Маълумотларга қараганда, вилоятда тегишли дастур бўйича бу йил 28 маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади. 2018 йилгача етмиш тўртта шундай объект бунёд этилиши кўзда тутилган.**

2015-yil 10-fevral, seshanba, № 20 (3525), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ ВА ТЕЗКОР

ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққиёти хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

"...хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда", — деб таъкидлаганди Юртбошимиз 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида.

Эсимда, бошланғич синфда ўқиб юрган пайтларим иккита акам Тошкентда университетда таҳсил олишарди. Қашқадарёнинг олис бир қишлоғи билан пойтахт ораси салкам 600 километр. Йўлнинг олислигию, бироз камхаржлик боис акаларимнинг қишлоққа келиши олти ой, гоҳида бир йилга чўзилиб кетарди. Маълум вақтларда — ёз ойлари, Янги йил ёки Наврўз байрамларида уларнинг келиш эҳтимоли бўлгани боис эртадан-кечгача катта йўлга термулиб вақт ўтказган пайтларим бўлган. Соғинч, меҳр, яна катта шаҳардан бирор совға илинжи хаёлимдан кетмай кечалари тушларимга ҳам кириб чиққан. Бир-икки соат деганда узоқдан кўринган машина то олдимиздан ўтиб кетгунча кўз узмасдик. Ҳозир машина тўхтайди-да акаларим тушиб келадигандек. Онамнинг гоҳида кўзи қизариб юришидан яширинча йиғлаб олганини сезардим. Ўнлаб километрга чўзилган тарқоқ қишлоқларда телефонда гаплашишнинг имкони йўқ, кабел тортилмаган. Акаларим келган кун байрам, онам уларни қаерга ўтқазишни билмайди, биз эса гирдикапалак. Яқингина тарихда вазият шундай эди.

Аста-секин вазият ўзгарди. Битта-ярим да қўл телефони пайдо бўлди. Аввалига, тепаликларга чиқиб, зўрға тўлқин топиб гаплашардик. Кўп ўтмай уйда ёнбошлаб, симсиз телефонда соатлаб гаплашиш мумкин бўлди. Машиналар кўпайди, узоқ манзиллар яқин бўлди.

Маълумот ўрнида

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди. Юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди. Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йил эса 24,5 фоизга ўсди.

Бунда 2013 йили 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди. Мазкур дастур доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ўтган йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш имконини берди. Натижада, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги сезиларли даражада оширилди.

Энг муҳими, юртимизнинг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Ўтган йили Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйноқ каби олис туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди.

"Қулай, сифатли ва тезкор" дея таъриф берилаётган ахборот технологиялари имкониятлари ниҳоятда кенг. Ҳозирда ҳар қадамда, ҳар лаҳзада ахборот технологияларининг ютуқларига гувоҳ бўлаяпмиз, улардан фойдаланяпмиз. Аҳамиятли томони, бошқа соҳаларга қараганда, ахборот технологияларида ўзлаштириш, татбиқ этиш жараёни анча жадал. Оддий мисол, "Samsung" ёки "Iphone" каби йирик компанияларнинг кечагина тақдим этилган смартфон ёки планшетлари бирпасда оммалашиб кетаётир. Ўзимизнинг "Artel" ёки "UZTE" савдо белгилари остида чиқаётган мобил телефонлари ва планшетлардан фойдаланувчилар сони кўпаяётгани ҳам кишини қувонтиради. Аввалари компьютердан фойдаланиш маълум вақт ўрганишни, малака оширишни талаб этган бўлса, эндиликда имкониятлари компьютерникидан қолишмайдиган мобил алоқа воситаларини ёшларимиз тез ўзлаштириб олмоқда. Қўнғироқ, интернет, интерактив хизматлар, фото, маълумот алмашув, ўйинлар, видеотасвир ва яна кўпгина имкониятлар битта телефонда мужассам. Яъни, бутун ахборот технологияларининг тараққиёти ҳақидаги тасаввурни биргина аппаратда кўриш мумкин.

Дарвоқе, бу борада уяли алоқа компанияларининг ўрни алоҳида. Жумладан, "Uzmobile", "Beeline", "Ucell", "UMS", "Perfectum Mobile" каби алоқа операторлари йилдан-йилга хизмат турлари ва сифатини ошириб бораяпти. Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобил алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайган. Ҳозирда мобил алоқа операторлари томонидан тўртинчи авлод тармоғи – 4G (LTE) жорий қилинаётгани ҳам диққатга сазовор.

Алоқа ривожига монанд рақамли телевидениенинг ҳам дунё стандартларига мос тараққий этаётгани эътиборга молик. Ўқувчилик давримизда уйимизда оқ-қора тасвирда кўрсатувчи "Кварц", "Горизонт" номли телевизорлар бўларди. Биттаси бузилиб ётар, иккинчиси эса зўрға кўрсатарди. Бошқа каналга ўтказиш учун мурватини қарсиллатиб бураш, бундан ташқари, қўлбола антеннани у ёқдан-бу ёққа айлантириш лозим бўларди.

Энди-чи, хонадонларимизда турли маркадаги, замонавий LCD телевизорлари. Эски "думли" телевизорлар ўтмишга айланди. Тасвир сифатию каналлар ранг-баранглигини айтмайсизми. "Artel" ва "Samsung" компаниялари томонидан замонавий LCD va LED телевизорларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани ҳам соҳа тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилаётир.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган. Ҳозирда Тошкент шаҳридан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб туманларида рақамли телевидение дастурларини юқори сифатда томоша қилиш имкони мавжуд.

***

Маълумот ўрнида

Мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони бугунги кунда 10 млн. 200 минг кишидан ошган. Республикамизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса, 1,5 марта ортди. Ундан фойдаланиш нархи эса 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайган.

Хўш, юқори ахборот технологияларидан қандай фойдаланаяпмиз? Олайлик, уйимизга юқори тезликдаги интернетни олиб келдик, Wi-Fi орқали уландик. Энди ундан фақат филм кўриш ёки суҳбатлашиш учун фойдалансак, компьютернинг телевизор ёки телефондан нима фарқи қолади. Интернет бизга ва оила аъзоларимизга билимларимизни кенгайтириш, дунёқарашимизни ўстириш ва кундалик ҳаётимизда зарур бўлган давлат органлари хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Бунда "Электрон ҳукумат" тизимининг ўрни алоҳида бўлаяпти. Ушбу тизимдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (32,6 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган), Солиқ тўловчи портали (тадбиркорларнинг 99 фоизи фойдаланмоқда), Деклорантларнинг ягона портали (тизим орқали ўтган йил давомида барча божхона юк декларацияларининг 99 фоизи электрон шаклда рўйхатга олинган), "eStat" автоматлаштирилган электрон статистика тизими (фирма номларини электрон тартибда захиралаш улуши 97 фоизга етди), коммунал хўжалиги ва уй-жой фонди портали, E-Visa ахборот тизими ҳамда e-Sud тизими (хўжалик судларига 35 мингдан ортиқ даъво аризаси ва илтимоснома электрон шаклда тақдим этилган) муваффақиятли ишламоқда. Қувонарли томони, My.gov.uz Ягона портали орқали ўтган йили тадбиркорлик субъектларига 45,6 минг электрон хизмат кўрсатилган. 7 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари электрон шаклда рўйхатдан ўтказилган, 400 нафар фуқаро давлат органлари раҳбарлари қабулига интернет орқали ёзилган. Кўриниб турибдики, Ягона портал жадаллик билан ривожланиб бораяпти.

2014 йил 4 декабрдан кучга кирган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштирган ҳолда замон талабидан келиб чиқиб, электрон шаклда мурожаат қилишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Айни кунда Ягона портал орқали турмуш тарзининг 20 дан ортиқ турли жабҳаларини қамраб олувчи 230 дан ортиқ интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Порталга 500 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жумладан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари уланган. Тизим орқали ўтган давр мобайнида фуқаролар, тадбиркорлар ва юридик шахслардан 110 мингдан ортиқ электрон мурожаат юборилган. Ҳар бир мурожаат ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, мурожаат этувчиларнинг манфаатлари таъминланган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш кўп жиҳатдан малакали кадрларга боғлиқ. Тошкент ахборот технологиялари университети қатори ўтган йилнинг октябридан пойтахтимизда Кореянинг Инха университети филиали ўз фаолиятини бошлади. Президентимизнинг 2014 йил 24 мартдаги "Тошкент шаҳрида Инҳа университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори асосида иш бошлаган мазкур ўқув юрти компьютер ва дастурий инжиниринг, компютер тармоқлари инжинирингги каби йўналишларда юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

* * *

Барча давлат ва жамоат ташкилотлари сингари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам тизимда босқичма-босқич замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жумладан, Федерация тизимида "Касаба уюшма ташкилотлари" ахборот тизими яратилди, бир қанча модуллар (мурожаатлар, мониторинг, касаба уюшмалари тўғрисида маълумотлар, болаларни ёзги мавсумда дам олдириш, сиҳатгоҳлар) NIS.UZ миллий ахборот тизимига интеграция қилинди.

— Эътиборли томони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги "Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси комплекс интеграллашган ахборот тизимини яратиш Концепцияси" ҳамда "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2014-2020 йилларга мўлжалланган Стратегик дастури" Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланди, — дейди ЎзКУФК компютерлаштириш бўлими мудири Зафар Набиев. — Федерация томонидан аҳолига kasaba.uz веб-сайти орқали саккизта интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, бўш иш ўринлари ва раҳбарият қабулига ёзилиш бўйича хизмат кўрсатилди.

Таъкидлаш жоиз, айни дамда Федерация Кенгашига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқаролар томонидан келиб тушган 77 та мурожаатга ўз вақтида ва сифатли жавоб берилган. Бундан ташқари, Федерация Кенгаши аппарати, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар компютерлари локал, корпоратив ҳамда интернет тармоғига уланиб, VPN технологияси асосида Федерациянинг марказий сервери билан локал тармоқлар ўртасида ишончли доимий алоқа ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, тизимда соҳани ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётир.

* * *

Маълумот ўрнида

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоизидан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Аввалари керакли маҳсулотларни зир югуриб излаган бўлсангиз, эндиликда "анқонинг уруғи" саналган тансиқ маҳсулотларни ҳам уйингиздан чиқибоқ, мўъжазгина дўкон ёки супермаркетдан танлаб оласиз. Интернет орқали буюртма берсангиз, маҳсулотни уйингизга олиб келиб бериш тизими ҳам шаклланиб бормоқда. Масалан, «Artelmarket.uz» интернет дўкони шундай хизматни йўлга қўйган. Бу фаровонлик, тинчлигимиз меваси, халқимиз меҳнатсеварлиги маҳсули эмасми!?

Дарҳақиқат, бугунги кунда бозорларимиз кўзни қувнатадиган даражада таъмирланаяпти, қурилаяпти. Шароитлар замонавий бўлгач, хизматлар ҳам шунга яраша бўлади-да. Катта шаҳарларимиздаги бозорларни қўя турайлик, туману қишлоқларимиздаги бозорлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб бораётир.

Отам билан телефонда гаплашиш асносида "у-бу нарса керакмасми?" дея сўрасам, "Ҳамма нарса ўзимизда бор. Ҳар кун бозор бўлса", деб қўяди. Рост. Олдинлари олис қишлоқларда ҳафтада бир кун бозор бўлса, ҳозирда ҳудуднинг қайсидир бурчида ҳар куни бозор. Аввалари маҳсулотлар турига қарамасдан, пала-партиш териб қўйиб савдо қилаверишар, санитария-гигиена талабларига умуман эътибор қаратилмасди. Бугунги фаровонликни кўриб, отамнинг қуйидаги гапларини кўп эслайман: "Илгари озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа турдаги маҳсулотлар олиш учун туман марказига, у ерда топилмаса, 100 кмдан зиёд масофани босиб ўтиб Қарши шаҳрига келиш керак эди. Туман марказига келишнинг ўзи бир азоб, машиналар кам, бори ҳам тўлиб, жаҳлни чиқариб ўтиб кетарди. Аканг тест натижаларини билиш мақсадида велосипедда 25 км. йўл босиб туман марказига борганини айтмайсанми?.."

Энди-чи, маҳсулотлар турига қараб алоҳида расталар, сут ва гўшт маҳсулотларига музлатгичлар муҳайё, энг муҳими, маҳсулотлар сифатига эътибор алоҳида. Тез-тез фалон вилоят ёки туманда янги деҳқон бозори очилибди, деган хабарларни эшитаётганимиз ҳам фаровонлигимиз нишонаси. Жумладан, яқинда Сурхондарёда "Термиз шаҳар марказий деҳқон бозори"нинг янги қиёфада иш бошлагани аҳоли учун муносиб туҳфа бўлди. Бундан ташқари, бозорларимизда турли байрамлар арафасида савдо ярмаркалари ташкил этилиб, аҳолига мева-савзавот, гўшт, тухум маҳсулотлари арзон нархларда етказиб берилаётганини қайд этиш жоиз.

***

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси қўламига кўра тараққиётнинг асосий мезонларидан бирига айланди. Барча жабҳаларда, барча ҳудудларда унинг таъсирини сезиш мумкин. Бу ҳаётимизда кенг имкониятлар, қулайликлар яратмоқда. Бошқача айтганда, Юртбошимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёни мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилаётир.

Акмал ТОШЕВ,
"Ishonch" мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича республика кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Танловнинг 1-босқичи жорий йилнинг 15 мартига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги корхона, ташкилот, муассасалар ўртасида ўтказилади. Ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган энг яхши корхона, касаба уюшма қўмитаси, корхона ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакил 1-босқич ғолиби деб ҳисобланади.

Унда иштирок этиш истагини билдирган барча корхона, ташкилот, муассасалар жорий йилнинг 1 мартига қадар Низомнинг 4.3-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларига тақдим этишлари лозим.

Танловнинг 2-босқичи тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари тизимларига қарашли ҳудудларда аниқланган энг яхши корхона, касаба уюшма қўмитаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ўртасида шу йилнинг 1 апрелига қадар ўтказилади ҳамда ҳар бир номинация бўйича 1, 2, 3-ўринни эгаллаганлар (жами 9 та) аниқланади. Ғолиблар 5 апрелгача тантанали тарзда тақдирланади.

3-босқич ҳар бир тармоқда "Энг яхши корхона", "Энг яхши касаба уюшма қўмитаси", "Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил" номинациялари бўйича 1-ўринни эгаллаган корхоналар ўртасида ўтказилади. Учинчи босқичга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши комиссияси якун ясайди.

3-босқич шу йилнинг 20 апрелига қадар ҳар бир номинация бўйича ишлаб чиқариш тармоқлари ва ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича алоҳида ўтказилади.

Кўрик-танловнинг учинчи босқичида ҳар бир номинация бўйича ишлаб чиқариш тармоқларида 1, 2, 3-ўринни эгаллаганлар (жами 9 та) ва ноишлаб чиқариш тармоқларида 1, 2, 3-ўринни эгаллаганлар (жами 9 та) аниқланади.

Ғолибларга бериладиган қимматбаҳо совғалар миқдори қуйидагича белгиланади:

3- ўрин учун — республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробаригача, 2- ўрин учун – 10 баробаригача, 1- ўрин учун — 12 баробаригача.

Кўрик-танловнинг учинчи босқичи ғолибларини тақдирлаш **"28 апрел — Бутунжаҳон меҳнат муҳофазаси куни"** арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, ғолибликни қўлга киритган корхоналар раҳбарлари ва касаба уюшмалари қўмиталари раислари иштирокида, оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этган ҳолда тантанали тарзда ўтказилади.

2015 йил учун ўтказилаётган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловида иштирок этинг ва ютуқлардан бирига эга бўлинг!

Ўз КУФК Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

Реклама ва эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога таклиф этади!

Савдога ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 14 январдаги AU-11/212 сонли буюртманомасига асосан, ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимига тегишли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ., "Реставратор" БУШда жойлашган, 0,06 Га ер участкасида жойлашган, фойдаланиш майдони 114,77 кв.м. бўлган, икки қаватли, олти хона, бассейн, сауна, ҳаммом, ёзги ва қишки ошхоналардан иборат 22-уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 255 118 280 сўм.

Савдо 2015 йил 12 март куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусхада расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 11 март куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 12 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 17 март, 20 ва 25 март кунлари соат 11:00да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 мартдаги такрорий савдо учун 16 март куни соат 18:00; 2015 йил 20 мартдаги такрорий савдо учун 19 март куни соат 18:00; 2015 йил 25 мартдаги савдо учун 24 март куни соат 18:00да тўхтатилади.

Мулк учун тўловлар савдо ғолиби аниқланган кунидан бошлаб қуйидагича амалга оширилади:

- биринчи тўлов мол-мулк нархининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади;
- қолган тўловлар 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР: 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 майдаги 129 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 30 январда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2168 кв.м бўлган, Автомобилларга хизмат кўрсатиш мулкий мажмуаси, бошланғич баҳоси — 5 204 008 000 сўм, сотилиш баҳоси — 5 385 000 000 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 декабрдаги 328 к-ПО сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 6 февралда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Нилуфар тор кўчаси 1-уй манзилида жойлашган, умумий майдони — 2765 кв.метр бўлган, бино-иншоотлар, бошланғич баҳоси — 2 846 747 807 сўм, сотилиш баҳоси — 2 995 000 000 сўм. **Хизматлар лицензияланган.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 10 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

Унга кўра, 1 АҚШ доллари 2448,16 сўм, 1 Россия рубли 37,07 сўм, 1 ЕВРО 2774,81 сўм.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Иқтидорлар маскани

Жиззах шаҳрида туғилиб ўсган Наргиза Муродова 2004 йили Қарши давлат университетини мусиқий таълим мутахассислиги бўйича тамомлагач, Жиззах педагогика касб-ҳунар коллежида мусиқа ўқитувчиси вазифасида иш бошлади.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

У 2010 йилдан ҳозиргача вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Жиззах туман 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари.

Н.Муродова ўтган даврда педагогик жамоа билан биргаликда янгича ёндашув асосида қатор ижобий ишларни амалга оширди. Санъат соҳасида мактаб ўқитувчилари ва истеъдодли ўқувчилари нафақат вилоят миқёсидаги, республика кўрик-танловларида ҳам фаол қатнашиб, қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида мактаб ўқувчилари санъатнинг турли йўналишлари бўйича фахрли ўринларни эгаллашди.

2013-2014 йилларда "Наврўз садолари" VI ва VII кўп овозли миллий чолғу ансамбллари ва оркестрлар фестивалининг республика босқичида фаол иштироки учун мактаб жамоаси III даражали дипломга лойиқ топилди.

Мактабнинг аҳил жамоаси ишбилармон ва ташкилотчи Наргиза Муродова раҳбарлигида ана шундай муваффақиятларни қўлга киритаётир.

Жамоа аъзолари маҳаллани кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этади. Қария ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилишда ёрдамини аямайди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
"Ishonch" мухбири

ҲУНАРДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБ...

Самарқанд шаҳар «Бунёдкор» маҳалласида яшовчи Шоира ая Ғаниева гулбандлик усулида ипак матога безак бериш билан шуғулланади.

Ипак матога табиий ҳамда махсус бўёқлар билан безак бериш, турли тасвирларни чизиш катта қунт ва сабр талаб қилади. Сифатли ипак матони танлай билиш, табиий бўёқларни маҳаллий шароитда тайёрлаш ҳам муҳим жараён. Гулбандлик усулида ипак мато билан ишлашнинг ана шундай машаққатларини енгиб, аждодлардан мерос ҳунарни давом эттириб келаётган Шоира ая фарзандлари ва набираларига ҳам касб сирларини пухта ўргатмоқда.

Суратда: *Шоира ая набираси Комила билан.*

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ
олган сурат

▽Барҳаёт сабоқлар

МАНГУ КЎРКАМ БОҒ

Алишер Навоийнинг ижод бўстони шундай ажиб масканки, ундаги турфа чечакларни кўриб, кўз қувнайди, руҳ қувватланади. Навоий гулшанига бизни бошлаган инсон академик, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Азиз Қаюмовдир.

Устознинг ўн жилддан иборат асарларининг тўртинчи китоби мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг нисбатан кам ўрганилган «Насойим ул-муҳаббат», «Вақфия», «Сирож ул-муслимин», «Муножот», «Тарихи мулки Ажам», «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Фавойид ул-кибар» асарлари таҳлилига бағишланган.

Алишер Навоийнинг иқтидори қандай муҳитда сайқалланган? У ота-онасидан нималарни ўрганган? Дўстлари, атрофидаги одамлар суҳбатидан қандай таъсирланган? Қандай табиатли одамлар билан танишишни хуш кўрган? Бу саволларга олим Навоийнинг ўз тили билан жавоб беради. «Насойим ул-муҳаббат»-даги Навоийнинг отаси ҳақидаги қуйидаги воқеани келтиради: Ғиёсиддин Астрободга кетаётганда унга бир дарвеш (мажзуб) учрайди. Унга бир дирҳам инъом этади. Дарвеш олмайди. «Эгнингдаги курта жуббани бер», дейди. Ғиёсиддин ҳаво совуқ бўлгани учун эгнидагини ечмай йўлида давом этади. Анчадан кейин бир тўхташ жойида ўша дарвеш пайдо бўлиб яна куртани сўрайди. Унга кийимини бермаслигини билдириб, яна пул беради. Орадан бир неча кун ўтгач, Астрободни айланиб, дарвешни ялангоч ҳолда учратади ва курта жуббани ечиб унга кийгизиб қўяди. Орадан кўп вақт ўтмай, дарвеш унга пешвоз чиқиб, «барибир курта жуббани олдим», дейди. Воқеа шарҳида Азиз Қаюмов шоирнинг отасидан ҳикмат эшитиб улғайганига урғу беради. Бу, биринчидан, отанинг мулоҳазали инсон бўлганини билдирса, иккинчидан, уларнинг атрофида ҳикмат сарчашмалари мавжудлигини кўрсатади. Дарвеш футувват, яъни аҳли вафо вакили. У Ғиёсиддиннинг кўнглидаги ҳамиятни кўра олган. Шунинг учун курта жуббани қайтақайта сўраган. Қолаверса, дарвеш (истаса) алдай олади, чунки унинг юпун кийими ҳар қандай содда кишини чалғитади, шунинг баробарида қатъий жаҳд билан ишга киришган одам мақсадига эришади, деган фикрни олдинга суради.

Китобда Навоийнинг «Тарихи мулки Ажам» асарида пешдодийлар табақасининг биринчи вакили Каюмарс, каёнийларнинг биринчиси Кайқубод, ашконийларнинг илк намояндаси Доронинг ўғли Ашк, сосонийларнинг биринчи подшоҳи Ардашер Бобак ва уларнинг ворислари ҳақида келтирилган қизиқарли воқеалар таҳлил этилади. «Бу оҳанг ила бўлгасен Нақшбанд» сарлавҳаси остида нақшбандийлик таълимотининг асослари очиб берилади. Навоийнинг ҳаёт ва тафаккур муҳитини ташкил этган Лутфий, Саййид Ҳасан Ардашер, Муҳаммад Паҳлавон, Шайх Камол Турбатий, Улойи Шоший, Аҳмад Ҳожибек Вафоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод сингари кўплаб аҳли диллар ҳақидаги маълумотларда, аввало, қайноқ ижодий жараён силсиласини туясиз. Буларнинг ҳар бири таҳлил учун алоҳида мавзу.

Хуллас, Азиз Қаюмов мазкур китобида Навоий умри давомида баҳра олган сарчашма — атрофидаги одамлар эканини эътироф этади. Демак, улуғ шоир оламига фузалолар ҳикмати ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда маърифат ёмғиридай ҳамиша ёғиб турган. Шоир боғининг мангу кўркамлиги шундан.

Илҳом АҲРОР,
филология фанлари номзоди

▽Тадбир

Пойтахтимиздаги «Чинобод санаторийси» акциядорлик жамиятида Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

НУРОНИЙЛАР ИШТИРОКИДА

«Эл нетиб топқай мениким...» деб номланган ушбу тадбирда санаторийда соғлигини тиклаётган нуронийлар фаол иштирок этди. 79 ёшли самарқандлик Ўғилой Эргашева, 63 ёшли қашқадарёлик Муҳаббат Хуррамова, 69 ёшли навоийлик Эшмирза Раҳматов каби кексалар ҳазрат Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан ўқишди, асарлари ҳақида фикр юритишди. Улардаги Навоий бобомиз ижодига бўлган қизиқиш йиғилганларга ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбир куй-қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
"Ishonch" мухбири

ОЛАМ ВА ОДАМ

Француз рассоми Пол Гоген қаламига мансуб «Nafea Faa Ipoipo?» («Сен қачон турмушга чиқасан?») деб номланувчи сурат 300 миллион долларга сотилди. Бу санъат асари учун шу пайтгача тўланган энг катта маблағ ҳисобланади.

«СЕН ҚАЧОН ТУРМУШГА ЧИҚАСАН?»

Икки нафар таитилик қиз тасвирланган санъат асари Пол Гоген ижодининг гуллаган даври — 1892 йилда Таитида ишланган. У швейцариялик коллекционер Рудолф Штехеллин мулки ҳисобланарди. Сурат йиллар мобайнида Швейцариядаги "Констмузеум" музейида намойиш этиб келинган. Бироқ мулк эгаси ва музей маъмурияти ўртасида вужудга келган келишмовчилик натижасида Штехеллин суратни сотишга қарор қилган.

Штехеллин санъат асари учун бунча кўп пул тўлаган харидорнинг номи сир сақланиши тўғрисида баёнот берди. Бироқ матбуотчилар ўз манбаларига суянган ҳолда харидор Қатар амирлиги музейлари учун қимматбаҳо нарсаларни тўпловчи "Qatar Museums" ташкилоти эканини айтишмоқда.

Японiядаги "Huis Ten Bosch" сайилгоҳи раҳбарияти фақатгина роботлар ишлайдиган меҳмонхона қуришни режалаштирди. Лойиҳа "Henn-na Hotel", яъни "Ғалати меҳмонхона" деб номланган. Маъмурият меҳмонхонанинг илк 72 та хонасини жорий йил июл ойида фойдаланишга топширади. 2016 йилда яна шунча хона барпо этиш кўзда тутилган.

ҒАЛАТИ МЕҲМОНХОНА

Лойиҳага асосан меҳмонхонага кириб келган сайёҳни уч нафар инсон қиёфасидаги робот кутиб олади. Улар сайёҳларни рўйхатга олиш, керакли маълумотларни бериш ва суҳбатлашиш вазифасини бажаради. Меҳмонни ўз хонасига робот ҳаммол кузатиб қўяди. Бино хоналарини тозалаш ишлари ҳам роботлар томонидан амалга оширилади.

— Биз дунёдаги энг қулай меҳмонхоналардан бирини қураяпмиз, — деди сайилгоҳ раҳбари Хидео Савада. — Келажакда бу каби минглаб лойиҳалар ишлаб чиқилиб, роботлар инсон меҳнатининг 90 фоизини ўз зиммасига олишига ишонаман. Меҳмонхонада яна бир қанча технологик янгиликларни жорий қилишни кўзда тутганмиз. Жумладан, қулфлар меҳмон қиёфасини эслаб қолувчи қурилма билан жиҳозланади. Томда эса қуёш батареялари ўрнатилади. Роботлар ёрдамида хоналар нархини кунига 60 долларгача пасайтириш имкониятига эришмоқчимиз.

Чилида бундан 54 йил илгари Анд тоғлари тепасида қулаб тушган самолёт қолдиқлари топилди. Associated Press ахборот агентлигининг хабар қилишича, Douglas DC-3 лайнери қисмларига алпинистлар дуч келиб қолган.

САМОЛЁТ ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Экспедиция иштирокчилари қолдиқлар 3200 метр баландликда, мамлакат пойтахти Сантягодан 360 километр жанубда ётганини маълум қилишган. Фалокат жойида қурбонлар суяклари ҳам топилган.

LAH — Чили авиакомпанияси самолёти 1961 йил 3 апрелда ҳалокатга учраганди. Натижада 24 киши, жумладан, мамлакатнинг Green Cross футбол жамоасидаги саккиз нафар спортчи қурбон бўлган.

Интернет хабарлари асосида
Улуғбек ИБОДИНОВ тайёрлади.



«УЛУҒ ШОИР» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

ЧАЙНВОРД. 1. Алишер Навоийнинг "Хамса" асари достонидаги Мажнуннинг асл исми. **2.** Ойбекнинг "Навоий" романи асосида экранлаштирилган видеофилмда актёр Эркин Комилов гавдалантирган қаҳрамон. **3.** Рус адибаси Лилия Бат қаламига мансуб шоирнинг ҳаёти ва ижоди баён этилган "Ҳаёт бўстони" қиссаси қаҳрамони. **4.** Мумтоз адабиётда мактуб тарзда ёзилган шеърий асар жанри. **5.** Алишер Навоий ҳокимлик вазифасини адо этган Афғонистондаги шаҳар. **6.** Бастакор Мухтор Ашрафийнинг шоирнинг "Сабъаи сайёр"достони асосидаги мусиқали саҳна асари. **7.** Шоирларнинг бир мавзуда бир-бирининг фикр ва туйғуларини ривожлантирадиган шеър айтиш баҳси. **8.** Навоий "Мезон ул-авзон" асарида таърифлаган мумтоз назмга хос шеърий вазн. **9.** Улуғ шоирга туркий ва форсий тилларда ижод қилганлиги учун берилган ном. **10.** Бадиий ижод соҳаси. **11.** Шоирнинг "Қаро кўзум..." сўзлари билан бошланадиган ғазали билан атоқли хонанда Берта Довудова ижро этган мумтоз ашула. **12.** Шеъриятнинг туюқ жанрида қўлланиладиган, шаклдош сўзларни қўллаш ва уларни шаклдош қилишдан иборат бадиий санъат тури. **13.** Алишер Навоий замонасининг машҳур олим ва етук донишмандларидан таълим олган тарихий шаҳар. **14.** "Навоий" романидаги маъшуқа. **15.** Шоир достонидаги афсонавий учқур от. **16.** "Хамса" достонларидан биридаги севги, вафо, дўстлик ва садоқат, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик ифода этилган бош қаҳрамон. **17.** "Лайли ва Мажнун" достонидаги баҳодир ва олижаноб киши. **18.** Ёш Алишер ижодини юксак баҳолаган мумтоз шоир. **19.** Шоир ҳикматидан: "Бировким эрур ростликдан ..., Онингдек киши бўлмагани яхшироқ." **20.** Ўзбек навоийшунос олими, «Фарҳод ва Ширин" сирлари" асари муаллифи. **21.** Алишер Навоийнинг ўз даврига хос бўлган мулк масалалари баён этилган асари. **22.** Шоир ҳикматидан: "Агар ... кимга афъолдур, Жазоси анинг ганжи иқболдур." **23.** Алишер Навоий "дунёдаги энг азиз дўст" — деб баҳо бериб, юксак тарзда қадрлаган манба. **24.** Шарқ шеъриятида аруз вазнида ёзилган ғазал, қасида каби асрларнинг бир бутун икки мисраси. **25.** Тажнис қофиясига асосланган, тўрт сатрдан иборат шеърий жанр.

МУАММОНОМА. Калит сўзлар: 1. Алишер Навоийнинг беш мустақил достондан иборат нодир асари – **22, 3, 7, 11, 3.**

2. Ойбекнинг "Бола Алишер" қиссасида шоир онасининг исми – **18, 15, 4, 13, 14, 18, 2, 7.**

3. "Хамса"достонларидан биридаги Фарҳоднинг садоқатли дўсти – **23, 1, 16, 12, 6.**

4."Фарҳод ва Ширин" достони асосидаги мусиқали драмада устоз санъаткор Лутфихоним Саримсоқова гавдалантирган маккора аёл образи – **21, 11, 12, 7, 3, 9.**

5. Тўрт мисрадан иборат, тугал маъно ифодаловчи, Навоий маҳорат билан ижод қилган назмий жанр – **6, 12, 13, 1, 2, 24.**

Алишер Навоий ҳикматларидан:

6. Яхши эл билан суҳбат тутибон яхши бўлғил,

Яхшини талаб **8, 2, 4, 17, 2, 4, 15** талабли бўлғил.

7. Бу гулшан **2, 10, 6, 3** йўқдур бақо гулига сабот,

8. Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак **9, 3, 19, 11, 17, 3** маъмурлуғ.

9. Кимки улуғроқ, анга хизмат **5, 14, 6, 3, 5,**

Кимки кичикроқ, анга шафқат **5, 14, 6, 3, 5.**

10. Вафосизда **25, 3, 21** йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида чизма атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириш йўли билан муаммономани ҳал этинг. Шунда улардан улуғ шоирнинг икки мисра ҳикматли сўзини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

ОБ-ҲАВО
10-11 феврал

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 10-11 феврал кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб, ёғингарчилик кузатилади. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент	Нукус	Урганч	Бухоро	Навоий	Қарши	Термиз	Самарқанд	Жиззах	Гулистон	Фарғона	Наманган	Андижон
+17...+19, +15...+17	+10...+15, +3...+8	+10...+15, +3...+8	+15...+20, +15...+20	+15...+20, +15...+20	+15...+20, +16...+21	+15...+20, +16...+21	+15...+20, +15...+20	+15...+20, +15...+20	+15...+20, +15...+20	+13...+18, +13...+18	+13...+18, +13...+18	+13...+18, +13...+18
+7...+9, +7...+9	0...+5, 0...+5	0...+5, 0...+5	+7...+12, +7...+12	+7...+12, +7...+12	+7...+12, +7...+12	+7...+12, +7...+12	+4...+9, +4...+9	+4...+9, +4...+9	+4...+9, +4...+9	0...+5, +2...+7	0...+5, +2...+7	0...+5, +2...+7

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
J.Ergashev
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 20:50
Topshirildi — 21:20

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 215

20536 nusxada bosildi

1 2 3 4 5 6